
Фарғона вилоятидаги вакант лавозимлар учун очиқ мустақил танлов эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қуйидаги вакант лавозимларга очиқ мустақил танлов эълон қилади:

- Халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими табиий фанлар методисти (химия, биология, география, физика);

- Бешариқ тумани халқ таълими бўлими мудир;

- Бағдод тумани халқ таълими бўлими мудир;

- Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими мудир ўринбосари;

- Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими методик хизмат бўлими аниқ фанлар методисти;

- Фурқат тумани халқ таълими бўлими таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш шўъбаси бош мутахассиси.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг [Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали](#) орқали рўйхатдан ўтишлари, вакант бўлган лавозимга сўралган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишлари зарур.

Ҳужжатлар 2021 йил 31 июлдан 9 августгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

[Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали](#)

2021-07-31 19:47:26